

*№ 3 (3) - 2023*

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 3 (3)-2023*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

### **ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Абдор** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбаҳор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодида Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod*

QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI ..... 9-14

*Шухрат Эргашев*

ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ

ТЎНТАРИШИ ..... 15-23

*Касимова Шахноза Алишеровна*

ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ ..... 24-29

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Файзиева Ширин Шодмоновна*

АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ  
ИҚТИСОДИЁТДА TUTGAN ЎРНИ ..... 30-35

*Мусагалиев Ажунияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАР ..... 36-41

*Murodova Nargiza Utirovna*

TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI ..... 42-47

*Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Haydarovich*

KOMPANIYALARNING MOLIYAVIY TO'LOVGA LAYOQATSIZLIGI XAVFINI ANIQLASH ..... 48-55

*Temirova Feruza Sagdullayevna*

MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI -  
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH ..... 56-62

*Sobirova Marhabo Haitovna*

MEVA-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH  
YO'LLARI ..... 63-67

*Mamajonova Gulasal Oribjon qizi*

KORXONALARIDA ISHLAB CHIQRISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING  
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI ..... 68-77

*Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich*

O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINING RIVOJLANISHIDA INVESTITSIYA RISKLARINI  
BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH ..... 78-87

*Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович*

КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ ..... 88-101

*Каржавова Хуршида Абдумаликовна*

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШНИНГ  
АСОСИЙ ЁўНАЛИШЛАРИ ..... 102-110

*Soliyev Dilmurod Jamolovich*

AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING  
ASOSIDIR ..... 111-119

*Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna*

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH  
MASALALARI ..... 120-130

## **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Тўраев Шавкат Нишонович*

ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ..... 131-137

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*

TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY ..... 138-143

*Sharipov Dilshod Baxshilloyevich*

TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI ..... 144-148

## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Гаппаров Алибек Қаршибоевич*

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ ..... 149-155

*Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Quدراتillayevna*

APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND  
AND VISUALLY IMPAIRED ..... 156-161

*Ахмедшина Лилия Рафаэлевна*

РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « И «ЖЕНА»  
В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ ..... 162-166

*Kholmuminova Makhliyo*

DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES ..... 167-171

*Shirinova Yekaterina*

NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI ..... 172-178

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Қутлымуратов Фархад Қалбаевич*

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР

ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 179-185

*Kasimov Nodirjon Sodikjonovich*

QASDDAN O'DIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY

XUSUSIYATLARI ..... 186-196

*Урманбаева Ферузахон Саттаровна*

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ ..... 197-203

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich*

“HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ

KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR

TAHLILI) ..... 204-210

*Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich*

BO'LAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA

TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI ..... 211-217

*Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich*

YUQORI SINIF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA

TARBIYALASH ..... 218-223

*Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна*

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ

ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ..... 224-229

*Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich*

HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI

RIVOJLANTIRISH ..... 230-236

*Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi*

ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE

EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES ..... 237-244

*Yusupov Dilmurod Abdurashidovich*

YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER

TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH ..... 245-254

*Ergashev Omonboy Turgunbayevich*

TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY ZARURATI VA

PEDAGOGIK ASOSLARI ..... 255-260

*Ruzmetova Novval Vahabdjano*

THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW  
SCHOOLS ..... 261-269

*Raxmatov Otabek Urinbosarovich*

BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY  
KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI ..... 270-274

*Makhmudov Furqat Djumaboyevich*

YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI  
O'QITISH USULLARI ..... 275-281

*Бабахова Гулзиба Зиятбаевна*

К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ  
КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА ..... 282-289

*Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich*

KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI  
TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA ..... 290-296

*Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна*

КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ  
ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ..... 297-301





**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2023. -№ 3 (3).  
ISSN: 2181-1342 (Online)  
<https://scienceproblems.uz>**

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Тўхтамишов Азиз Қахрамонович**  
“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос  
халқаро университети мустақил изланувчиси  
Электрон почта манзили: [aziztukhtamishov@univ-silkroad.uz](mailto:aziztukhtamishov@univ-silkroad.uz)  
Телефон рақами: +99866 240-86-04

### **КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОҲИАТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада туризм соҳасида кластер ёндашувини жорий этишга назарий ёндашувлар, унинг моҳияти ва мазмуни, туристик кластерларнинг ўзига хос хусусиятлари, кластер шаклланишининг асосий босқичлари, туризм соҳасида кластер моделига қўйиладиган талаблар, туристик кластерларни шакллантиришнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари, ҳудудларда туризм кластери сиёсатини ишлаб чиқиш ва реализация қилишнинг асосий воситалари ва йўналишлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** туризм, туризм кластери, туризм индустрияси, кластер модели, туризм кластери сиёсати, воситалар, маркетинг тадқиқотлари.

**Тухтамышов Азиз Кахрамонович**  
Независимый исследователь Международного университета  
туризма и культурного наследия «Шелковый путь»

### **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ БАНКОВСКОЙ ГАРАНТИИ И РЕЗЕРВНОГО АККРЕДИТИВА ПРИ ТОРГОВОМ ФИНАНСИРОВАНИИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ**

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены теоретические подходы к внедрению кластерного подхода в сфере туризма, его сущность и содержание, специфические характеристики туристских кластеров, основные этапы формирования кластеров, требования к кластерной модели в сфере туризма, исследованы основные принципы и направления формирования туристских кластеров, разработка кластерной туристской политики в регионах и основные средства и направления реализации.

**Ключевые слова:** туризм, туристический кластер, индустрия туризма, кластерная модель, туристическая кластерная политика, инструменты, маркетинговые исследования.

**Tukhtamishov Aziz Kahramonovich**  
Independent researcher of «Silk Road»  
International University of Tourism and Cultural Heritage

### **USE OF BANK GUARANTEE AND RESERVE LETTER OF CREDIT IN TRADE FINANCING IN COMMERCIAL BANKS**

**Abstract.** This article discusses the theoretical approaches to the implementation of the cluster approach in the field of tourism, its essence and content, the specific characteristics of tourist clusters, the main stages of cluster formation, the requirements for a cluster model in the field of tourism. Tourism, the basic principles and

directions of the formation of tourist clusters, the development of a cluster tourism policy in the regions and the main means and directions of implementation have been studied.

**Key words:** tourism, tourism cluster, tourism industry, cluster model, tourism cluster policy, tools, marketing research.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N12>

**Кириш.** Туризм турли мамлакатлар миллий даромадини оширишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Глобал иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида туризм индустриясининг жаҳон ЯИМдаги улуши мос тармоқлардаги мультипликатив самарани ҳисобга олган ҳолда 6 %ни ташкил этмоқда. Иқтисодиётнинг туризм тармоғи жаҳонда иш билан бандликнинг 6-7 %ини таъминловчи иш жойларини яратишда етакчилик қилмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотларига кўра, туризм дунё бўйича хизматлар экспортининг 30 %ини таъминлайди [12].

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида республикамызда ҳудудий кластерларнинг ривожланиши миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва ҳўжалик субъектлари фаолиятининг интенсивлигини таъминлашнинг муҳим омили ва шарт-шароити бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва менежмент фанларида, хусусан, туризмда “кластер” атамаси кўп қўлланиладиган тушунча ҳисобланиб, унинг моҳияти сўнгги ўн йилликларда жуда тез ва олдиндан айтиб бўлмайдиган тарзда ўзгарди. Кластерлар, хусусан, туристик кластерлар яхлит ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини, шунингдек, миллий ва халқаро бозорларда туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беришни асосий мақсад қилишни назарда тутувчи ушбу соҳани инновацион ривожланиши учун ўзига хос ташкилий-иқтисодий механизмга айланди. Бироқ, ҳозирги вақтда туризм соҳасида кластер ёндашувини амалга ошириш жараёнида муайян қийинчиликлар юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳада амалга оширилаётган кластер сиёсатини реализация қилиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни зарурат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун бюджетдан 1 триллион сўм ажратилади” [9], “Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда” [10] деб таъкидлаши асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. Бу эса республикамызда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида туризм соҳасида кластерни шакллантиришнинг аҳамияти беқиёс эканлиги кўрсатмоқда ҳамда туризм соҳаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, туристик кластерларни яратиш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва соҳада ҳўжалик субъектлари фаолиятининг интенсивлигини таъминлашнинг муҳим омили ва шарт-шароити сифатида илмий-услубий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишни зарурат туғдирмоқда.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Туризм кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга

оширилган бўлиб, уларда туристик кластерларни яратиш, туризм кластери сиёсатини амалга ошириш бўйича турли хил қарашлар ва ёндашувлар ишлаб чиқилган. Туризм бозорида талаб ва таклиф ўртасида мувофиқликни таъминлаш, туристик хизматлар самарадорлигини ошириш, соҳада синергетик самарага эришиш ҳамда туристик маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодийда кластерлар назарияси асосчиси М.Портер томонидан ишлаб чиқилган термин ишлаб чиқариш соҳасидан кўчиб, туризмда кенг ривожланмоқда. М.Портер асарида кластерлаш бўйича тақдим этилган моделда ҳар қандай кластернинг асосий элементи истеъмолчи ва товар ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) эмас, балки кластерлаш ҳисобига миллий ва халқаро бозорларда рақобатбардошлиги юқори бўлган товарлар, ишлар ва хизматлар ҳисобланиши асослаб берилган. Шунга кўра, рақобатбардош товар ва хизматларни яратиш учун маҳаллийлаштирилган географик “ресурслар – технологиялар – хизматлар” доирасида бирлаштирилган ва ўзаро боғланган тармоқлар интеграцияси ҳамда потенциал истеъмолчи томонидан талаб мавжудлиги билан қўллаб-қувватланадиган омиллари, кластерлашнинг асосий тамойили ҳисобланган тармоқ ва географик жиҳатлари методологик ёндашув асосида ёритиб берилган [7].

Н.А.Пелевина ўз асарида туризм кластерларини шакллантиришнинг маълум бир горизонтал маконни, жумладан, турли соҳага қарашли ташкилотларни қамраб олувчи йирик мустақил тармоқлараро ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуаси эканлиги, туризм соҳасида кластерлашнинг мақсад ва вазифалари, туристик кластерларни яратиш орқали синергетик самарага эришиш йўллари, туристик фирмалар ва ташкилотлар ўртасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш йўналишлари, туристик кластер функциялари, туризм ресурслари ва туризм инфратузилмасидан оқилона фойдаланиш усуллари ва воситалари, туризм соҳасида кластер сиёсатини амалга ошириш йўналишларини тадқиқ қилган [6].

Т.Е.Курмаевнинг мақоласида минтақада туристик-рекреацион кластерларни яратиш мақсад ва вазифалари, туризм соҳасида иқтисодий барқарорликни таъминлаш, синергик самарага эришиш орқали инфратузилмани ривожлантириш, туризм кластерини ташкил этувчи ташкилотлар фаолияти самарадорлигига эришиш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва инновацияларнинг оммалашиши, туризм фаолиятининг янги йўналишларини диверсификациялаш ҳамда мамлакатда ички ва кириш туризмининг ривожлантириш ва миллий туристик маҳсулотнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари ёритиб берилган [3].

В.А.Василевнинг мақоласида туристик кластерларни шакллантириш, глобаллашув шароитида туризм соҳасида кластерларни яратиш орқали рақобатбардош устунликларга тезда эришиш йўналишлари, туристик кластерларни яратиш орқали туристик маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда синергетик самарага эришиш йўллари тадқиқ қилинган [2].

Иқтисодчи олима М.Т.Алимова ўзининг “Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари” номли докторлик диссертациясида туризм бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, маркетинг концепцияси орқали туристик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, худудий

туристик кластерни шакллантириш, туризм кластери дорасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш бўйича илмий мулоҳазаларни келтиради [1].

Б.Д.Олланазаровнинг мақоласида туризм кластер ёндашувига назарий қарашлар, унинг моҳияти ва мазмуни, туристик кластерларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳудудий даражада туристик кластер тузилмасини шакллантириш, туристик кластернинг асосий вазифаси, ҳудудий туристик кластерни ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишлари, туризм соҳасида нодавлат тартибга солиш вазифаларини нотижорат туристик ташкилотлар фаолияти тадқиқ қилинган [5].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнда туризм соҳасида кластер ёндашувини илмий асослаш, туризм кластери сиёсатининг мақсади, вазифалари ва йўналишларини ёритиш жараёнида соҳадаги трансформациялашиш жараёнларини ҳисобга олиш, туризм кластери шаклланишини методологик жиҳатдан ўрганиш, бу борада мутахассислар фикрини ўрганиш натижасида диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Кластер ташкилий тузилмасининг шаклланиши инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Бозордаги рақобат муҳити шароитида кластер аъзолари ўзларининг иқтисодий ресурслари ва молия институтларининг бошқа ресурсларидан янги маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш, юқори иқтисодий самарадорликка эришиш ҳамда янги технологиялар, товар ва хизматларнинг замонавий бозорларига чиқиш учун фойдаланадилар.

Туризм соҳасида “кластер сиёсати”, “туристик кластер” тушунчалари ҳозирги вақтда туризмга бағишланган замонавий илмий адабиётларда кўп қўлланилаётган тушунчалар ҳисобланади.

Ватанимиз ва МДХ мамлакатларида туристик кластерлаш сиёсати 2000 йиллардан амалга оширила бошлаб, бу туризмни ривожлантиришнинг кластер назарияси пайдо бўлишига замин яратди. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар А.Ю.Александрова, В.А.Кружалин, Е.Н.Митрофанова, А.Н.Дунец, И.С.Тухлиев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова ва бошқа олимларнинг асарларида тадқиқ этила бошлади. Бинобарин, туризм соҳасидаги барча режалаштирилган ва реализация қилинаётган кластер лойиҳалари асосан саноат кластерини шакллантириш соҳасидаги хорижий тадқиқотлар (А.Маршалл, М.Портер назариялари)га асослангандир. “Кластернинг кўплаб таърифларига қарамай, улар М.Портернинг назарий ғояларига асосланади, унга кўра кластер – бу маълум бир ҳудудда фаолият юритувчи ва умумий фаолият билан тавсифланадиган ва бир-бирини тўлдирувчи, географик жиҳатдан қўшни ва ўзаро боғланган компаниялар ҳамда тегишли ташкилотлар гуруҳидир” [7]. Бунда кластер шаклланишининг асосий жиҳатларини аниқловчи хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

– географик жиҳатдан чекланган ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларни (кластер аъзоларини) бирлаштириш;

– кластер аъзоларини бирлаштирувчи мотивацион (иқтисодий, илмий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бошқалар), фаолиятни мувофиқлаштириш ва тармоқлараро ҳамкорликни яхши йўлга қўйилган механизмнинг мавжудлиги;

– ҳар бир иштирокчининг ўзаро ҳамкорлиги сабабли иқтисодий кўрсаткичларининг реал истиқболлари.

Иқтисодиётда кластерлар назарияси асосчиси М.Портер томонидан ишлаб чиқилган термин ишлаб чиқариш соҳасидан кўчиб, туризмда кенг ривожланмоқда [7].

Тадқиқот жараёнида туристик кластерлашнинг қуйидаги ҳолатлари ва муҳим хусусиятларига эътибор қаратамиз. Ҳар қандай туристик кластернинг марказида ҳар доим инсонпарварлик компоненти мавжуд, чунки барча туристик хизматлар доимо истеъмолчи ва унинг манфаатларига қаратилган бўлиб, туризм соҳасини тартибга солиш нуқтаи назаридан давлат ва алоҳида ҳудудлар сиёсатига боғлиқдир. Саноат кластеридан фарqli ўлароқ, туристик кластер ҳар доим фақат тўрт бирликдан иборат комплекс кетма-кетлик бўлганда мавжуд бўлади: “ресурс – истеъмолчи – ишлаб чиқарувчи – туристик маҳсулот ва хизматларни сотувчи”. Бунда бирорта элементнинг тушиб қолиши кластер ва бошқа ҳудудий ташкилотлар самарадорлиги ва рақобатбардошлиги даражасини пасайтиради.

Агар саноат кластерлари моҳияти бўйича ҳудудий бўлса ва уларнинг самарадорлиги корхоналарнинг ўзаро яқинлиги билан белгиланса, туристик кластерлар кўпинча маълум бир ихтисослашув, ҳудуднинг ресурс имкониятлари, шунингдек, туристларнинг мавжуд эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда экстратерриториал тузилмалар сифатида шаклланади. Туристик кластерларнинг яратилиши “ресурслар” ва “эҳтиёжлар” ёндашуви бўйича ажралиб туради.

Туристик кластерлаштиришнинг энг муҳим муаммоларидан бири кластер тузилмаларининг бошланғич ва якуний инновацион фаоллигининг пастлигидир, чунки: а) кластер ичидаги инновациялар фақат иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, фақат истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш учун туристик маҳсулотлар ва хизматларни такомиллаштиришга қаратилган; б) тўғридан-тўғри кластер шаклланиши ҳудудида жойлашган кам сонли илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари; в) илмий-тадқиқот ташкилотларининг туроператорлар, турагентлар ва пудратчилар фаолиятига жалб этилишининг паст даражаси; г) туроператорлар ва турагентларнинг ички туризм бозорига йўналтирилганлигининг сезиларли даражаси ушбу маҳсулот ва бошқа инновациялардан фойдаланишни талаб қилмайди, чунки асосий функцияларни қабул қилувчи мамлакат бажаради.

Н.А.Пелевина туристик кластерлар тўғрисидаги фикрига кўра, “бундай кластер одатий вертикал текисликда бўлмайди, балки маълум бир горизонтал маконни, жумладан, турли соҳага қарашли ташкилотларни қамраб олувчи йирик мустақил тармоқлараро ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳисобланади. Туристик кластер – туризм иқтисодиёти ишлаб чиқариши ва тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқалар мажмуи бўлиб, уларнинг ягона функционал вазифаси туризм ресурслари ва туризм инфратузилмасидан оқилона фойдаланган ҳолда мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудларида туристик маҳсулот ва хизматлар истеъмолчиларининг эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятни амалга оширишдан иборат [6].

Бу ёндашувнинг устунлиги шундаки, “муаллиф вертикал тамойил бўйича кластерлар қуришдан четга чиқган, бунда кластерлаш жараёнларида давлатнинг роли устунлик қилади. Бироқ, Н.А.Пелевина томонидан берилган таъриф жуда ноаниқ бўлиб, туристик кластерларни туристик ҳудудлар, туристик марказлар, ҳудудий туристик

тизимлар ва бошқа турдаги туристик жойлар ва ҳудудлардан ажратишга имкон бермайди. Н.А.Пелевинанинг таърифида туризм кластери чегараларида ишлаб чиқариш ва тармоқларни бирлаштиришдан асосий мақсад нима деган саволга жавоб бериб бўлмайди. Туристтик кластерларни бошқа тузилмалардан ажратиш олиш вазифаси, биринчи навбатда, кластер тузилмаларининг экстратерриториаллиги, уларнинг ресурс базаси ҳамда эҳтиёжларни қондириш ва рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишдан иборат” [6].

Ушбу ёндашув бўйича Т.Е.Курмаевнинг ёндашуви анча жозибадор, “яъни, минтақада туристик-рекреацион кластерларни яратишдан мақсад, авваламбор, унинг иқтисодий барқарорлиги ва ривожланиш даражасини ошириш, синергик самарага эришиш орқали инфратузилмани ривожлантириш, жумладан: туризм кластерини ташкил этувчи ташкилотлар фаолияти самарадорлигига эришиш; инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва инновацияларнинг оммалашиши; туризм фаолиятининг янги йўналишларини ривожлантириш кабилардан иборат” [3]. Таъкидлаш керакки, муаллиф кластерлашнинг хусусий мақсадларида мамлакатда ички ва кириш туризмни ривожлантириш, миллий туристик маҳсулотнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини оширишнинг умумий вазифаларини кўрмайди.

В.А.Василевнинг фикрича, “иқтисодий кластерлар иқтисодиётнинг тобора кучайиб бораётган глобаллашуви шароитида рақобатбардош устунликларга тезда эришишга қаратилган барча манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шаклидир” [2]. Бу нуқтаи назарга фақат қисман қўшилиш мумкин. Шундай қилиб, муаллиф рақобатбардошликнинг ҳаракатлантирувчи кучлари, ҳар қандай туризм кластерининг мавжудлиги ва ривожланиши учун инновацион ресурс ҳақида, давлат ва ҳудудий ҳокимият органларининг нафақат инвестиция донорлари, балки назорат қилувчи ва тартибга солувчи тузилмалар сифатидаги роли ҳақида ҳам унутади. Бундан ташқари, “кучлилар кичикни тортиб олиш” модели муаллиф ҳудудий бозорнинг монополистик моделига эришиш ҳақида гапираётганига ишониш учун асос бўлади, бу ерда ҳукмронлик мавқеини охир-оқибат кичикроқ ҳудудий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг фаол туристик кластер эгаллаши керак.

М.Т.Алимованинг таъкидлашича, “ҳудудий давлат бошқаруви органлари таркибида истиқболли туристик кластерни шаклланиши ва ривожланишига қўмаклашиш, кластер дорасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш, унинг ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижро этилишини назорат қилиш вазифаларини бажарувчи ишчи гуруҳнинг ташкил этилиши эса ушбу йўналишдаги масалаларни амалга ошириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади” [1].

Б.Д.Олланазаровнинг фикрича, “ҳудудий туристик кластерни ривожлантириш концепцияси ҳудудий туристик мажмуанинг инвестицион жозибадорлигини белгиловчи ҳудудий иқтисодиётнинг барча йўналишларини ривожлантириш бўйича тадбирларни ўз ичига олиши зарур. Ушбу концепция ҳудудда туризм секторининг рақобатбардошлиги ва юқори самарадорлигини таъминлаш, ташқи молиявий ресурсларни жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратишга йўналтирилиши керак” [5].

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, туристик кластерлар уларни бошқа турдаги кластерлардан ажратиб турадиган бир қатор хусусиятларга эга:

1) туристик ва рекреацион ресурслардан, шу жумладан туристик маҳсулотни шакллантириш ва туристик хизматларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган табиий, маданий, тарихий ва ижтимоий-иқтисодий ресурслардан фойдаланиш;

2) туристик кластерлар, кластерларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, улар лойиҳалаштирилганда ва яратилганда ҳудудларнинг маъмурий чегаралари билан боғланмайди. Улар дарҳол мамлакатнинг бир неча маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳудудларини ўз ичига олиши мумкин;

3) туристик кластернинг зарур элементи туристик инфратузилма бўлиб, унинг элементлари нафақат кластер ҳудудида, балки қўшни вилоятлар ва ҳатто мамлакатлар ҳудудида ҳам кластер томонидан таклиф қилинадиган туристик маҳсулотлар ва хизматлар билан таъминлаш мақсадида жойлашади;

4) ҳар қандай кластернинг асосий элементи туристларнинг истеъмолчи хоҳиш-истаклари эканлигини ҳисобга олсак, кластер турли нархларда тақдим этилаётган турли туристик маҳсулотлар ва хизматларни таклиф қилиши керак;

5) туристик кластерларни лойиҳалаш, яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ барча муносабатлар ва жараёнларнинг катализатори ҳамда тартибга солувчиси миллий ва ҳудудий даражадаги давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобланади;

6) туристик кластерларнинг ўзига хослиги уларнинг ҳудудий ташкил қилинишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади, чунки бундай кластер туризм салоҳиятини ҳудудий ташкил этишнинг учта усулини бирлаштириши керак – чизиқли (туристик маршрутлар), ҳудудий (туристик ҳудудлар ва зоналар) ва нуқтали (туристик марказлар);

7) туризм кластерларининг ривожланиши бевосита инфратузилма ва ресурс секторларига боғлиқ бўлиб, кластерни ривожлантириш учун инновацион компонент ҳамда ишлаб чиқариш ва тармоқларнинг функционал бирлашмаси орқали эришиладиган синергик самара иккинчи даражали аҳамиятга эга;

8) туристик кластер самарадорлиги фақат кириш ва айниқса ички туризмни ривожлантириш даражасида белгиланади, бу эса туристик ҳудудларнинг кластер ривожланишини малакали ва самарали бизнес стратегияси ҳамда кластерни ривожлантиришга йўналтирилган маркетинг ва реклама стратегиялари комплексини реализация қилишга сезиларли даражада боғлиқ қилади.

Юқорида келтирилган илмий ёндашувларга асосланган ҳолда туризм кластерининг қуйидаги асосий хусусиятлари таснифини ишлаб чиқдик:

– муҳим туризм соҳасида фаолият юртувчи субъектларнинг сервис ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг бир ҳудудда жойлашганлиги ва бозорга яқинлиги. Бу ички ва ташқи ресурслардан самарали фойдаланиш, туристик ресурслар таъминотини ташкил этиш, туристик маҳсулот экспорти ва бошқа савдо операцияларини амалга оширишда устунликка эришиш имконини беради;

– илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини олиб боровчи илмий-таълим муассасалари ва ташкилотлари фаолияти натижаларидан фаол ва комплекс

фойдаланиш ҳисобига туризм кластери доирасида ишлаб чиқариш ва сервис фаолиятининг инновацион тавсифига эга эканлиги;

- туризм кластери иштирокчилари ўртасидаги узоқ муддатли ва самарали алоқаларнинг ўрнатилиши натижасида кластерлар, шунингдек алоҳида хўжалик субъектлари доирасида туристик маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш;

- туристик маҳсулот ёки сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар бирлиги учун қилинадиган сарф-харажатларнинг нисбий даражасини пасайтириш имконини берувчи ресурслардан самарали фойдаланиш;

- туристик кластернинг узоқ муддатли ишлаб чиқариш, инновациялар, хизмат кўрсатиш, бозор ва бошқа стратегиясини аниқловчи етакчи ташкилотларнинг кластерлари доирасида мавжудлиги ва самарали фаолиятини амалга ошириши.

Юқорида келтирилган хорижлик ва ватанимиз олимларининг илмий ёндашувларига асосланган ҳолда, биз, “кластер” категориясига қўйидаги таклифни ишлаб чиқдик: **туризм кластери** – бу алоҳида туристик корхоналар, ташкилотлар ва фирмаларнинг мавжуд туристик ресурслардан самарали фойдаланиш, барча асосий фаолият учун харажатларни камайтириш, синергетик самарага эришиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик доирасидаги ташкилий тузилмаларнинг рақобатдош устунликларига эришиш имконини берувчи туризм соҳа тармоқларининг ҳам географик, ҳам ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги ва яқинлигини назарда тутадиган иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг инновацион шаклидир.

Бунда туризм кластерини ҳамкорликдаги иқтисодий тизим сифатида динамик жиҳати синергик самара бўлиб, мультипликатор самарасига эришиш имкониятини таъминлайди. Туристтик кластер доирасида эришилган муносабатларнинг синергияси унинг барча элементларидан жами эришилган натижаларни уларнинг қисман йиғиндисидан кўра, кўпроқ самарага бирлаштириш орқали амалга оширилган фаолиятдан турли хил ижтимоий-иқтисодий самараларни олиш имконини беради. Туристтик кластернинг шаклланиши техник-технологик, ташкилий, маркетинг ва бошқа соҳаларга инновацияларни жорий этиш орқали, унинг унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг замонавий шакллари ва турларининг кенгайишини рағбатлантиради.

Хориж ва республикамиздаги мавжуд тажрибаларга асосланган ҳолда ҳудудда кластер ташаббусини реализация қилиш йўли ва усуллари сифатида унинг таркиби, шаклланиши, ривожланиши ва фаолиятини аниқлаш босқичли жараён кўринишида тасаввур этиш мумкин (1-расм).


**Биринчи босқичда** – ҳудуднинг ривожланиш истиқболлари таҳлил қилиниши ва баҳоланишида ҳудуд рақобатбардошлигини ошириш имкониятларидан фойдаланиш омиллари, унинг ҳақиқий устунлиги аниқланади.

**Иккинчи босқичда** – кластер бўйича масъул шахс тайинланади ва бошқарув гуруҳи шакллантирилади ҳамда кластернинг ҳар бир зонаси бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиниб, туризм соҳасида кластер кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Шунингдек, туристик кластер иштирокчилари аниқланиб, улар ўртасида корпоратив алоқалар ўрнатилади.

**Учинчи босқич** – ҳудудий даражада туристик кластер олдида турган мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иштирокчиларининг функцияларини аниқлаш амалга



оширилади ҳамда туристик кластернинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва туризм бозорида турмаҳсулотни ҳаракатлантириш учун кластер иштирокчиларининг қўшма лойиҳалари реализация қилинади.



**1.1-расм. Туризм кластери шаклланишининг асосий босқичлари<sup>1</sup>**

Мамлакатимизда ҳудудий кластер ёндашувини реализация қилишга йўналтиришга сиёсат бўйича услубий тавсияларга кўра, туристик кластерларнинг муҳим тавсифга эга хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1. Туристтик кластернинг халқаро ва миллий бозорларда рақобатбардошлигининг ошиши ва унинг иштирокчиларининг муҳим экспорт салоҳиятининг мавжудлиги. Рақобатбардошлик кўрсаткичлари ва мезонлари сифатида туристик ташкилотнинг кўп омилли маҳсулдорлиги, туристик товарлар ва хизматларни етказиб беришни мамлакат ёки минтақадан ташқарига экспорт қилишнинг муҳим даражасини ҳисобга олиш зарур.

2. Туристтик ҳудуд иқтисодий кластерни ривожлантириш учун рақобатдош устунликларга эга бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: географик жойлашувнинг қулайлиги, туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, юқори малакали кадрлар билан таъминланганлиги, турли туристик хизматларни етказиб берувчи контрагентлар ҳамда илмий ва таълим муассасаларининг мавжудлиги, шунингдек, зарур туризм инфратузилмасининг ривожланганлиги ва бошқа омиллар. Туристтик кластерни яратиш учун ҳудуднинг рақобатдош устунликлари кўрсаткичлари сифатида бевосита инвестицияларни ҳудудга, хусусан, кластерга жалб қилиниши ва ҳ.к.ларни келтириш мумкин.

3. Туристтик корхона ва ташкилотлар ўртасида фаол ҳамкорликни реализация қилишни таъминлайдиган туристик кластер ташкилотларининг географик концентрацияси ва ўзар боғлиқлиги. Кластер иштирокчиларининг ҳудудий концентрацияси кўрсаткичлари сифатида ҳудудда туристик корхона ва ташкилотлар ихтисослашувнинг муҳим даражасини тавсифловчи мезонларни ҳисобга олиш керак.

4. Туристтик кластер интеграцияси ва ўзаро муносабатларидан ижобий самарага эга бўлиш учун етарли бўлган кластер иштирокчиларининг кенг доираси. Бундай кўрсаткичлар сифатида туристик ва рекреацион кластерга киритилган ташкилотларда бандликнинг муҳим даражасини тавсифловчи мезонларни ҳисобга олиш керак.

5. Жаҳон ва миллий туризм бозорларида туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг жамоавий ҳаракатланиши бўйича мувофиқлаштириш амалиёти, ташкилотларнинг таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлиги, шартномавий амалиёт, субпудрат механизмидан фойдаланишни ўз ичига олувчи туристик кластер иштирокчилари ўртасида самарали ўзаро муносабатларнинг мавжудлиги.

Туризм соҳасидаги ҳар қандай кластер модели қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ҳар қандай туризм фаолиятнинг ва шунга мос равишда ҳар қандай туризм кластерининг диққат марказида туристик хизматлар жараёни эмас, балки унинг эҳтиёжларини қондиришга эга истеъмолчилар бўлиши лозим;

- туризм кластерининг иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларидаги кластердан фарқи, унинг ички рақобатбардошликни шакллантиришга йўналтирилганлиги (ички туризмни ривожлантиришга йўналтирилганлиги) ҳисобланади;

- туристик кластерни яратишда иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари кластерларидан фарқли равишда ҳудуднинг географик ҳамда турли хил хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга;

- туризм кластерида муваффақиятга эришиш ва самарадорликни оширишнинг асосий омили бўлиб, соҳада бизнесни комплекс ривожлантириш стратегиялари

ҳисобланади, бунда мижозлар (туристлар)га йўналтирилган маркетинг стратегиялари муҳим рол ўйнаши зарур.

Туристик ҳудудни кластерлашда нафақат инновацион салоҳияти энг юқори бўлган тармоқлар, балки ҳўжалик субъектлари ўртасидаги мавжуд алоқалар ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этишнинг муайян шакллари ҳам эътибор қаратиш лозим.

Шунга асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча, туристик кластерларни шакллантиришнинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратдик:

1. Иштирокчилар манфаатларининг муштараклиги тамойили (бир хил ёки турдош фаолият соҳалари, умумий туристик бозор ёки фаолият соҳаси);
2. Концентрациялаш тамойили (алоқалар учун қулай жойлашиш);
3. Ўзаро муносабатлар (кенг кўламдаги расмий ва норасмий муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги).

Республикамизда “туризм соҳаси ривожланишининг устувор йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони мувофиқ, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган. Концепцияда талабни инобатга олган ҳолда, янги жойлаштириш воситаларини қуриш ва мавжудларни реконструкция қилиш билан бир қаторда ёндош инфратузилмани (умумий овқатланиш объектлари, транспорт-логистика тузилмалари, кўнгилочар масканлар индустрияси, маданий ва спорт муассасалари, туристик намоиш объектлари ва бошқаларни) ривожлантиришга қаратилган туризм индустриясини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш” вазифаси белгиланган<sup>1</sup>.

Биз, ушбу концепцияни таҳлил қилиш асосида унинг республикамиз ва ҳудудлар иқтисодиётида туристик кластерларни яратишнинг қуйидаги йўналишларини аниқладик:

- мамлакатимиз иқтисодиётининг географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг мавжуд рақобатбардош салоҳиятини рўёбга чиқарадиган туризм кластерларининг яхлит тармоғини яратишдан иборат моделини яратиш;
- мамлакатнинг Европа ва Осиё минтақаларида бир қатор инновацион юқори технологияли иқтисодий кластерларни шакллантириш;
- юқори технологияли туристик кластерларни лойиҳалаштириш, шакллантириш ва ривожлантириш (жумладан, маъмурий, молиявий, моддий-техник ва инфратузилмавий);
- иқтисодиётнинг устувор тармоқларда юқори технологияли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилган ҳудудий ишлаб чиқариш кластерларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4143188>

шакллантириш, ушбу кластерларни туризм соҳаси билан интеграциялаш ҳамда уларни аҳолиси юқори улушга эга ҳудудларда концентрациялаш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш;

– ноёб табиий рекреацион ресурслар ва ландшафтларга эга, тарихий, маданий ва бошқа меросга бой ҳудудлар доирасида туристик-рекреацион кластерларни шакллантириш.

Туризм соҳасида кластер сиёсатини ишлаб чиқиш ва реализация қилишнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат (1-жадвал)<sup>1</sup>

Босқичларнинг мазмуни	Босқичларнинг асосий тавсифи
<p><b>1-босқич.</b> Туристтик кластер сиёсатининг мақсади ва вазифаларининг шаклланиши</p>	<p><b>Туристтик кластер сиёсатининг асосий мақсади:</b> Туристтик кластерлар ривожланишини рағбатлантириш асосида туристик масулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича шарт-шароитларни яратиш.</p> <p><b>Туристтик кластер сиёсатининг вазифалари:</b> турли хил кластер дастурларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш; ихтисослашган кластер инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш; ҳукумат топишириғи ва кафолати остида республика ва маҳаллий бюджетлардан кластер сиёсатини реализация қилиш бўйича тадбирларни молиялаштириш; туристик кластер иштирокчиларнинг халқаро даражадаги рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган инновацион-инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни таъминлаш.</p>
<p><b>2-босқич.</b> Туристтик кластер фаолияти тартибини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш</p>	<p>Туристтик кластер сиёсати макро, мезо ва микродаражаларда шаклланади. Шунинг учун миллий даражада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда ҳудудий ва маҳаллий даражаларда махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши зарур. Кластер сиёсатини реализация қилишда услубий кўмак бериш мақсадида услубий тавсиялар ва йўриқномаларни давлат даражасида ишлаб чиқиш. Туристтик кластер даражасида унинг комплекс ривожланиш стратегиясини қабул қилиш зарур.</p>
<p><b>3-босқич.</b> Туризм кластери сиёсатини реализация қилиш механизмини ишлаб чиқиш</p>	<p><b>Туристтик кластерни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар:</b> туристик кластернинг инвестицион лойиҳаларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш; туристик кластернинг иқтисодий ривожланиш марказини яратиш; инвестицион фаолиятни ривожлантириш бўйича солиқ имтиёзлари бериш; фаолиятни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш ва субсидиялаш; мақсадли дастурлар ва лойиҳалар дирасида бюджет маблағларини ажратиш; аҳамиятли инновацион лойиҳаларни реализация қилиш.</p>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, туристик кластер модели жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларида иқтисодий маконни тақсимлашнинг тизимли ёндашувларидан бири сифатида эътироф этилган. Финляндия, Дания, Норвегия, Швейцария, Австрия ва бошқа кўплаб мамлакатлар тажрибаси бутун мамлакат бўйлаб умумий кластерлашнинг намунасини кўрсатади. Мамлакатимизнинг географик хусусиятлари туфайли кластерлаш иқтисодий ривожланиш тенденцияси сифатида ҳали бошланғич босқичида турибди.

Иқтисодий-худудий ёндашув сифатида кластерлаш тармоқ, худудий, институционал, омилли синтезни ифодалаши зарур. Туристтик кластерларни ривожлантириш функционал ёндашуви, уларнинг қуйидаги асосий афзалликларга эришишни назарда тутди: туристларнинг хоҳиш-истакларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш; туристик корхоналарнинг конвергенцияси ва интеграцияси; туристик корхоналар ва фирмаларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш; рақобатбардош устунликларга эришиш ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Юқорида келтирилган илмий ёндашувлар ва туристик кластерни шаклланиши ҳамда ривожланиши кластер тизими самарадорлигини таъминлаш орқали синергетик самарани оширишга асосланиши керак, бу эса пировардида кластерларни уларнинг олдига қўйилган энг муҳим мақсадга – миллий ва халқаро миқёсда туристик маҳсулотлар ва хизмалар рақобатбардошлигига эришишига олиб келади.

**Хулоса ва таклифлар.** Туристтик кластернинг ўзига хослиги, у ишлаб чиқарадиган ва реализация қиладиган туристик маҳсулотнинг комплекс тавсифга эга эканлигидир. Агар саноат кластери корхоналари фаолиятида аксарият ҳолларда якуний маҳсулот яратилса, туристик кластер шароитида якуний маҳсулот фақат туристик корхоналарнинг махсус гуруҳи – туроператорлар томонидан лойиҳалаштирилади ва ишлаб чиқилади, кейинчалик эса якуний истеъмолчиларга – турагентликлар орқали реализация қилинади. Бунда алоҳида худудларнинг туризм имкониятлари ва ташкилотлари ҳамда аниқ туристик кластерларнинг туристик имкониятлари ва ўрнини аниқлаш, маркетинг методологиясини ҳисобга олган ҳолда туристик кластерларни лойиҳалаштириш ва шакллантиришга махсус ёндашувлар талаб этилади.

Туризм кластери ҳамкорликдаги иқтисодий тизим сифатида динамик жиҳати синергетик самара бўлиб, мультипликатор самарасига эришиш имкониятини таъминлайди. Туристтик кластер доирасида эришилган муносабатларнинг синергияси унинг барча элементларидан жами эришилган натижаларни уларнинг қисман йиғиндисидан кўра, кўпроқ самарага бирлаштириш орқали амалга оширилган фаолиятидан турли хил ижтимоий-иқтисодий самараларни олиш имконини беради. Туристтик кластернинг шаклланиши техник-технологик, ташкилий, маркетинг ва бошқа соҳаларга инновацияларни жорий этиш орқали, унинг унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг замонавий шакллари ва турлари кенгайишини рағбатлантиради.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.
2. Васильев В.А. Создание кластеров малых гостиниц. Повышение их конкурентоспособности / В. А. Васильев // Next Stop. – 2008. – № 1.
3. Курмаев Т.Э. Туристские кластеры как инклюзивное рекреационное поле / Т.Э.Курмаев // Проблемы и перспективы развития образования в России. – 2015. – № 37. – С. 177-179.
4. Новичков В.И., Полозков М.Ю. Анализ опыта государственного регулирования туризма в развитых странах //Journal of New Economy. – 2008. – №. 3 (22).– С. 46-49.8.
5. Олланазаров Б.Д. Кластер ёндашуви асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш масаласи // - Т.: “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -№1, январь-февраль, 2019.
6. Пелевина, Н. А. Кластерный подход к обеспечению развития туристско-рекреационной сферы региона / Н. А. Пелевина // Известия Российского государственного педагогического университета имени А. И. Герцена. – 2008. – № 86. – С. 340-344.
7. Портер М. Конкуренция / пер. с англ. под ред. Я. В. Заблоцкого. – М.: Изд. Дом. «Вильямс», 2002. - 496 с. – С. 207.
8. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 151-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 20.12.2022. <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4143188>
12. UNWTO Tourism Highlights. Edition 2017. - Madrid, WTO Publications Department.-2018.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).